

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 май куни камбағалликни қисқартириш ва бандликни ошириш чора-тадбирлари тақдироти билан танишди.

Маъмурий ислохотлар доирасида бу соҳаларга масъул вазирлик ташкил этилиб, барча ҳуқуқий-ташқилий асослар яратилди. Юртимизда илк бор минимал истеъмол харажатлари қиймати жорий этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш учун оилавий тадбиркорликка 15 триллион сўм имтиёзли кредит ва субсидиялар, деҳқончилик учун 200 минг гектар ер ажратилди. Шу даврда 300 мингта яқин тадбиркорлик субъекти ташкил қилиниб, 20 мингта корхона фаолияти кенгайтирилди. Утган йили 1 миллион нафар аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

Яқинда қабул қилинган Конституциямизда ҳам камбағалликни қисқартириш бўйича давлат ўзига мажбуриятлар олди.

Шу боис, йиғилишда бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш чоралари муҳокама қилинди. Аввало, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳудудларда янгилаш ишлари кераклиги таъкидланди.

Салоҳиятли тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, янги иш ўрни яратишга рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилди. Бунинг

учун улар билан малакали ишчи тайёрлаш бўйича шартнома тузилади. Яъни корхоналарда кўплаб "амалий мономарказ"лар ташкил қилинади. Давлат бунга зарур маблағлар ажратиш билан бирга, инфратузилма, кредит, солик ва бошқа масалалар бўйича енгилликлар беради. Тадбиркор эса камбағал аҳолини даромадли иш билан таъминлайди.

Мутасаддиларга ушбу тизимни барча туман ва шаҳарларда жорий қилиш бўйича кўрсатма берилди. Маълумки, камбағалликни қисқартириш бўйича Хитойнинг тажрибаси эътиборга молик. Бунинг ўрнида янги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун яқинда мамлакатимиз делегацияси Хитойда бўлиб қайтди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига у ердан экспертлар жалб қилинди.

Энди Хитой тажрибаси асосида ҳар бир вилоятда биттадан тумани камбағалликдан чиқариш бўйича алоҳида дастур амалга оширилиши белгиланди. Бунда камбағаллик юқори бўлган туманларда йўл-транспорт, электр, алоқа ва туризм инфра-

тузилмасини яхшилаш, кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш, маҳаллаларни sanoatlash-тиришга эътибор қаратилади.

Бош вазир ўринбосарига бунинг учун зарур инфратузилма масаласини ҳал қилиш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда оилавий тадбиркорликка 13 триллион сўм кредит ва 1,5 триллион сўм субсидиялар ажратилапти. Шунингдек, камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бўйича 37 турдаги субсидиялар мавжуд. Лекин уларни ажратиш шартлари оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, лойиҳанинг ўзини ўзи оқлаш муддатидан қатъи назар, барча учун деярли бир хил. Шу боис, кредит ва субсидияларни ҳар бир камбағал оиллага алоҳида ёндашув асосида тақдим этиш тақдироти билдирилди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигини ҳалқчил тизимга айлантириш, 100 дан ортиқ ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллаларнинг ўзиде йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ХАЛҚ ОВОЗИ — ҲАҚ ОВОЗ

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституцияси бўйича бўлиб ўтган референдум чин маънода халқимизнинг бирдамлигини, кенг миқёсда олиб борилаётган ислохотлар жараёнига хайрихоҳлигини яна бир бор яққол намоён этди. Бир сўз билан айтганда, юртдошларимиз ўз тақдирини ва эртанги кунини белгилаб берадиган муҳим ҳужжат учун овоз берди, танлаган тараққиёт йўлимиз қанчалик тўғри, амалга оширилаётган ислохотлар нақадар самарали эканини яна бир бор тасдиқлади.

Албатта, давлатлар тарихида муҳим бурилиш содир бўлишига хизмат қилган бундай йирик воқеалик халқнинг муносабати ўз-ўзидан ижобий бўлиб қолмайди. Сўнгги олти йил давомида Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизни сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий модернизация қилиш борасида мисли қурилмаган кенг қўламли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Давоми 3-бетда



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

БУ ҲАҚДА МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ЖОРИЙ ЙИЛ 10 МАЙ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН МАЖЛИСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низомхужаев таъкидлаганидек, Президентнинг 2023 йил 8 майдаги "Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини тайинлаш тўғрисида"ги фармонида мувофиқ равишда шу қарорга келинган.

Сайлов кодексига Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонуни билан киритилган ўзгартиришларга кўра, Президент муддатидан илгари Президент сайловини тайинлаган тақдирда, сайлов икки ой ичида ўтказилиши керак. Бунда

кўриш ва уни ўтказиш бўйича календарь режа тасдиқланди. Мазкур календарь режада мантикий изчиллик асосида қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатлари белгиланди. Хусусан, календарь режага мувофиқ, сайлов жараёнининг еттита йўналиши бўйича 51 та тадбир назарда тутилган.

Календарь режа сайлов кампаниясини қонун талабларига риоя қилган ҳолда очик ва ошқора, тўғри ҳамда самарали ташкил этиш, мавжуд куч ва имкониятларни оқи-



сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Шу боис, Марказий сайлов комиссияси мажлисида сайлов кампаниясини эълон қилиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича календарь режани тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди ҳамда жорий йил 9 июль куни бўлиб ўтадиган Президент сайлови учун сайлов кампанияси 10 майдан бошланиши эълон қилинди.

Сайловни ўтказиш билан боғлиқ қонунчиликда белгиланган тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда мажлисда сайловга тайёргарлик

лона тақсимлаш ва сафарбар этишни таъминлайди. Шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қонунчиликда белгиланган тадбирларни мантикий изчилликда тизимли равишда амалга оширишга хизмат қилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ҳамда муддатлари ҳақидаги ахборот сайловчилар ва сайлов жараёнларининг бошқа иштирокчиларига белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказилади.

Баҳор ХИДИРОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

МУСТАҚИЛ ОЗАРБАЙЖОН ДАВЛАТИ МЕЪМОРИ

Ҳайдар Алиевнинг орзу-умидлари, ғоялари эътироф этилди



Бугун Маданият ва туризм вазирлиги ҳузурдаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида Озарбайжон миллий етакчиси Ҳайдар Алиевнинг 100 йиллик таваллудига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг таниқли жамоат ва давлат арбоблари, маданият ва санъат намояндалари, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган дипломатик корпус вакиллари, Республика Озарбайжон Миллий маданият маркази ходимлари иштирок этди.

Давоми 2-бетда

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

ЙЎЛЛАР РАВОН, МАНЗИЛЛАР ОБОД



Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги "Автомобиль йўллари соҳасида очиклик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан "Менинг йўлим" лойиҳасини молиялаштиришнинг аниқ тизими жорий этилди. Унга асосан, 2022 йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўллارни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағнинг 50 фоизи "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилиши қатъий белгилаб қўйилди. Бу "Ташаббусли бюджет" жараёнидан фарқли ўларок, бир йилда бир мартаба ўтказилади.

Давоми 4-бетда



ТАРАКҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Шавкат АЮПОВ, Ўз ФА Математика институти директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони

Референдум жараёнларида ҳам сенатор, ҳам академик сифатида ёшлар билан учрашуларда иштирок этиб, янги тахрирдаги Конституциямиз мазмун-моҳияти, ёшлар ҳаётида қандай ўрин тутуши ҳақида суҳбатлар қилдик. Сабаби Конституцияга ёшлар ҳуқуқига доир анча-мунча янгилеклар киритилаётган эди.



2040 йилга бориб Ўзбекистон аҳолиси 50 миллионга етиши тахмин қилинмоқда. Бу аҳоли сони бўйича дунёнинг катта, ривожланган давлатларига етиб оламиз, дегандир. 2040 йилда аҳоли сонининг камида 50 фоизини ёшлар ташкил этади. Шундай экан, ёшлар келажаги, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кун тартибдаги масала бўлиши табиий.

Конституциянинг мен учун энг муҳим ва қизиқ бўлган жиҳатлари ҳам ёшларга қаратилган нормалари бўлди. Уғил-қизлар тарбиясидан тортиб, уларнинг маълумот олиши, иш билан таъминланишигача Конституцияда белгилаб берилди. Давлат ёшлар ҳуқуқини таъминлаш ва ҳаётга татбиқ этиш учун шарт-шароит яратиш, қўллаб-қувватлаш мажбуриятини олди.

Ота-оналар мажбурияти ҳам аниқ-тиниқ белгилаб қўйилгани, улар фарзандини тарбиялаш ва вояга етказишга

масъулдир. Шунингдек, ўғил-қизларнинг таълим олиши ҳам ота-онага муайян мажбурият юклайди. Бу жуда ўринли. Чунки фарзанд таълим-тарбияси фақатгина мактабга боғланиб қолиши керак эмас. Оилада таълим олишига шариоит яратилиши зарур. Боланинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан, албатта, ота-она хабардор бўлиб туриши шарт. Бу, биринчи навбатда, оналарга катта масъулият юклайди. Аёл билимли бўлса, миллат билимли бўлади, деган ҳикмат бор. Кейинги йилларда хотин-қизлар таълимга қаратилаётган эътибор моҳиятида ҳам ана шу ҳикмат мужассам. Шу боис, янгилашган Конституциямизда хотин-қизларга қатор имтиёزلар берилди.

Бу ислохотлар олий таълим тизимида яққол кўзга ташланади. Аввалги йилларда битирувчиларнинг 8-9 фоизда олий маълумот олишга имкон бўл-

са, ҳозир 50 фоизга яқинлашди. Бунинг учун етарли шариоит ва ҳуқуқий асос яратилди. Бундан ташқари, ўғил-қизлар мактабни муайян касб эгаси бўлган ҳолда битириши ҳам ёшларимиз келажаги учун қилинган ишлар, деб биламан.

Бугун юртимизда катта ислохотлар кечмоқда. Жамиятдаги жараёнлар, таълим билан боғлиқ масалалар юзасидан кенг кўламли ўзгаришларни кузатишимиз. Давлатимиз раҳбари 2016 йилнинг сўнгги кунлари Ўзбекистон Фанлар академияси аъзолари билан учрашиб, фан-таълим олдига турган вазифаларни ўртага ташлаган ва илм-фан соҳасига эътиборни кучайтириш тўғрисида топшириқлар берган, Фанлар академияси ҳақида фармонни имзолаган эди. Шундан сўн бу борада бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу эса бизга илм-фанга келажаги бора-сида катта умид берди. Бугун бу саъй-ҳаракатларнинг илк натижаларини кузатишга муваффақ бўляпмиз. Ана шу жараёнлар Конституцияга киритилган ўзгаришлар билан уйғунлашгани эътиборга молик.

Илм-фанга эътиборни математика фанини ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мисолида айтишни истардим. Наманган, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистонда институтимизнинг худудий бўлинмалари ташкил этилиши илгари хаёлимизга ҳам келмаган. Бугун жойларда бешта бўлинмаимиз фаолият юритяпти. Фан билан олий таълим узвий боғланишини таъминлаш мақсадида ушбу бўлинмалар уша вилоятлардаги етакчи университетлар ичида жойлаштирилди. Бу, албатта,



ёшларни фанга, таълимга жалб қилиши кўзда тутди. Сўнгги йилларда институтимизда илмий излаш олиб бораётган, фаолият юри-таётганларнинг ярмидан кўпрогини ёшлар ташкил этаётгани ҳам фанга қаратилган эътибор маҳсулидир. Докторантурада ўринлар сони кў-пайди.

Ёшларга шарт-шариоит яратиб берилмаса, илм олиши учун майдон яратилмаса ва рағбат бўлмаса, натижа ҳам бўлмайди. Аини пайтда илм аҳлига берилаётган эътибор ёшлар учун ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Уларнинг касб танлаши, илм билан шўғулланиши, фан ривожига ҳисса қўлиши учун муҳит яратилган. Олимлар илм-фан билан машғул бўлиши, маоши уч баробар ошгани ёшларнинг қизиқишига сабаб бўлаётган жиҳатлардан биридир. Бу келажақда ўз мевасини беради. Сифатли таълимни таъминлаш олдими-да турган муҳим вазифадир.

Конституцияда ўқитувчининг мақоми масаласига алоҳида норма киритилиб, кафолатланди.

Албатта, таълим сифати ўқитувчи-га боғлиқ. Биринчи навбатда, мактаб ўқитувчисига. Чунки мактабни битириб келган боланинг билими унчалик кучли бўлмаса, олий таълимда у бирор нарсани ўрганиши қийин. Бунда эса ўқитувчининг салоҳияти муҳим ўрин тутди. Ўқитувчиларнинг мажбурий меҳнатга жалб қилиниши ордидан салоҳияти, жамиятдаги обрў-эътибори жуда тушиб кетди. Конституцияда уларнинг мақеини юксалтириш бўйича ҳуқуқий асос яратилди. Ўқитувчиларни асосий вазифасидан бошқа ишга жалб қилиш мумкин эмас. Ана шунда ўқитувчи ўз устида ишлашига имкон бўлади ва маоши ҳам ошади. Буларнинг барчаси Конституцияда муҳрланди.

Бундан ташқари, Бош қонунимизда аждодларимиз қолдирган меросни ўр-

ганиш ва келажақ авлодни ҳам шунга муносиб тарбиялаш масаласига алоҳи-да урғу берилган.

Бундан уч-тўрт йил олдин Самарқандда Марказий Осиё олимларининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига бағишланган конференция ўтказилган эди. Дунё илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган алоқалар бизнинг за-минда камол топлани кишига ҳамма вақт фахр бағишлайди. Биз ёшлигимизда шундай буюк аждодларимиз борлигини билмас эдик. Ёшларимиз ҳозир уларни билиши, меросини ўрганишига ҳамма имконият бор. Уларга муносиб авлод-ни шакллантириш галдаги вазифамиз. Ҳатто Бош қонунимизда уларнинг номи тилга олингани вояга етиб келаётган авлодга шундай масъулият юклайди.

Келажақда ҳозирги ёшлар орасидан Хоразмийлар, Берунийлар чиқишини хоҳлаймиз. Бунинг учун, албатта, пой-девор керак.

Юртимизда илм-фан, мактаблар, олим ва тадқиқотчилар, кашфиётлар ва яратувчилик фаолияти ҳар томонла-ма қўллаб-қувватланмоқда. Янги илмий тадқиқот йўналишлари, институтлар ва марказлар, илмий лаборатория ва ка-федралар фаолияти йўлга қўйилиб, кўп тармоқли илмий-ташқилий инфра-тузилма яратилди.

Фан-таълим — нозик масала. Уни издан чиқариш осон. Лекин сифатли таълимни, илм-фанни юксалтиришга ўнлаб йиллар керак бўлади. Натижа-ни бир йил, икки йилда эмас, ўн йилда қўриш мумкин. Лекин унга ҳозирдан ҳа-ракат қилмасак, кейин кеч бўлади. Шу боис, ишончим комилки, бу борадаги саъй-ҳаракатлар, албатта, Учинчи Ре-нессанс, буюк уйғониш даври учун пой-девор бўлади.

Муддатидан илгари Президент сай-ловини ўтказиш, ушбу масалани ҳалқ ҳуқуқига ҳавола этиш тўғрисидаги қарор мамлакатдаги барча сиёсий партия-ларга янги тахрирдаги Конституциядан келиб чиқиб, янги дастурлари билан ҳалққа мурожаат этиш имконини, ҳал-қимизга эса келажаги, тақдир, эртанги кун учун эркин танлов қилиш имкония-тини беради. Президент учун ҳаммиза ҳалқ шаңфаати бирламли ва устувор эканига шахсан мен яна бир қарра амин бўлдим.

МУСТАҚИЛ ОЗАРБАЙЖОН ДАВЛАТИ МЕЪМОРИ Ҳайдар Алиевнинг орзу-умидлари, ғоялари эътироф этилди

АЗАЛИЙ ДҮСТЛИК — АБАДИЙ ДҮСТЛИК

Бошланғичи 1-бетда

— 2022 йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев давлат ташрифи билан юртимизга келган эди, — деди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минҳожиддин Ҳоҷиматов. — Айнан ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқаларининг янги сакхисаси бўлди. Озарбайжон Президентининг давлат ташрифи Ҳайдар Алиев номидаги янги янгиланган кўча ва унинг ёдгорлиги очилишидан бошланган эди. Мазкур ташриф Озарбайжон халқининг умумий илтимоси, ўзбек халқининг сарфатли дўсти Ҳайдар Алиев шарафига номланган кўчанинг очилиш маросимидан бошланган катта рамзий маънога эга. Ҳайдар Алиев ХХ асрнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси сифатида тарихга кирди.

Мирзо Улугбек номидаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси, таниқли давлат ва жамоат арбоби, академик Оқил Салимов Ўзбекистон ва Озарбайжон мамлакатлари ўртасидаги дўстлик алоқалари, хусусан, Озарбайжоннинг буюк фарзанди Ҳайдар Алиев ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашар экан, жумладан, шундай деди:

— Биз Озарбайжон халқининг буюк фарзанди Ҳайдар Алиев билан доимо фахрланамиз. Чунки ўз миллати, она халқи учун жон қўйдирган, миллий давлатчиликни тараққий эттиришда фидойилик кўрсатгани ул зотнинг ҳақиқатан буюк шахс эканлигини намоян элади. Мен Ҳайдар Алиевнинг ҳаммиза

ўзбек халқини ҳурмат қилганини, Ўзбекистон ҳақида ҳурмат билан гапиргани, зарур ҳолларда қўллаб-қувватлагани, Шароф Рашидов билан кўп бор учрашиб, жуда мураккаб масалаларни ҳал қилганини яхши эслаймман. Бугун биз бу буюк ишни унинг ўғли, муносиб давомчиси шараф билан адо этаётганидан фахр туйғуларини юракдан ҳис этамиз.

Республика Озарбайжон Миллий маданият маркази раиси Мобил Мамедов Озарбайжон ва Ўзбекистон муносабатларида буюк етакчи Ҳайдар Алиевнинг улкан хизматлари ҳақида сўз юритди. У Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни юксак даражага кўтаришда, мамлакатларимизнинг стратегик шериклигида, икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришда, мамлакатларимизни барча халқро майдонларда ўзаро қўллаб-қувватлашда буюк инсон — Ҳайдар Алиевнинг роли беқиёс эканлигини таъкидлади.

Бугунги замонавий Озарбайжон сиймосида улуг йўлбошчи — Ҳайдар Алиевнинг орзу-умидлари, ғоялари амалга ошди, мустақил Озарбайжон ўз илдизларини, тарихий ўтмишини, мустақиллигини, бой маданиятини асраб-авайлаш билан дунё давлатлари қаторида дадил қадам ташлаб бормоқда.

Мамлакатимизнинг давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари Ҳайдар Алиев ёдгорлиги пойига гуллар қўйди. Шунингдек, Ҳайдар Алиев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган турли тадбирлар, анжуманлар ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Президенти маслаҳатчиси О.Абдурахмонов ишти-рок этди.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ҚИЙИН ДАВРЛАР КУЧЛИ ЕТАКЧИЛАРНИ ЮЗАГА ЧИҚАРАДИ

ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР 9 ИЮЛЬ КУНИГА БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 8 май куни мамлакатимизда бўлиб ўтган конституциявий референдум якуналари бўйича Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан ўтказган учрашувдаги нутқи халқро ижтимоий-сиёсий ва эксперт-тах-лик доира вакиллари ўртасида жуда катта резонансга сабаб бўлди.

Таниқли хорижий экспертларнинг айтишича, муддатидан илгари Президент сайловини ўтказиш янгилашган Конституция қодаларига тўла мос келади ва Ўзбекистондаги кенг кўламли ислохотларнинг ман-тикий давом ҳисобланади.

Павел БЕЙДА, Польша Сейми депутаты, "Польша — Ўзбекистон" парламентларо гуруҳи ҳамраиси:



— Ўзбекистонни янгилашган Конституция қабул қилингани ва мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги унга овоз бергани билан табриқлайман. Янги Ўзбекистон янги Конституция асосида яшайди. Бу, бир то-мондан, рамзий маънога эга бўлса, иккинчи томондан, жуда катта масъу-лият юклайди. Чунки Бош қонунда жуда юқори меъёрлар белгиланган.

Албатта, бугун Ўзбекистонда, ай-ниқса, давлатни ижтимоийлашти-риш, ёшларга оид сиёсат, инклюзив таълим, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, унинг диний, этник ва ижтимоий мансублигини таъминлаш бора-сидаги чўқур ўзгаришлар яққол кўзга ташланади. Шунингдек, янгилашган Конституция мамлакатнинг дунёвий давлат макomini кафолатлайди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қонун устуворлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратишдаги ролини ортиқча баҳолаш шарт эмас. Янгилашган Конституция-да ҳам ушбу қисм ўзгаририлди, у фу-қаро ва суд, тергов органлари ҳамда прокуратура ўртасидаги муносабат-ларни ўз ичига олди. "Инсон шаъни ва қадр-қиммати йўлида" тамойили Конституция, қонунлар, давлат идоралари фаолиятида асосий мезонга айланди.

Биз Сеймидада янгилашган Конституциядаги Ўзбекистон парла-менти фаолиятига қўшимча ваколат-лар бериш билан боғлиқ қатор му-ҳим ўзгаришларни назарда тутувчи янгиликларни ўргандик.

Муҳаммад ИСМОИЛ ХОН, "Political Events" журнали бош муҳаррири (Ҳиндистон):



— Ўзбекистонда конституциявий и-слохот бўйича 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда қабул қилинган янгилашган Бош қонун давлат табиатига жиддий ўза-ришлар киритди. Улар, хусусан, ижтимоий йўналишдаги дастурларнинг молиялашти-рилишини кўпайтириш, мамлакатни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қар-ратилган саъй-ҳаракатларни фаоллашти-риш, давлат раҳбари ваколатларининг бир қисмини Олий Мажлисга ўтказиш, жамоат-чилик органлари — маҳалла қўмиталари ваколатларини кенгайтириш қаилардир.

Янгилашган Конституцияга кўра, маҳалла-лар аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳол-да, самарали ишлаши учун солиқ тушувлари ва давлатнинг бошқа даромадларидан уллу-ш олади.

Халқ янгилашган Бош қонун асосида ўзини янги тараққиёт йўлига киришга сафарбар қи-лаётгани мантқан тўғри. Чунки янги ҳужжат жамиятнинг барча қатламлари манфаатла-рини инобатга олган ҳолда, ижтимоий давлат мақомига эришишни кўзда тутди, қонун усту-ворлигини қатъий татбиқ этиди, иқтисодиётни

янада жадал ривожлантириш билан бирга инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини таъмин-лайди.

Буларнинг барчасидан келиб чиқиб, мам-лакатни янгилаш жараёнининг навбатдаги босқичини янги истикболли мандат билан бошлаш, давлатнинг ўзбекистонни тара-қиёт ва фаровонлигини янги чўққиларига олиб чиқиш йўлидаги имкониятларини муста-ҳкамлаш учун янгилашган Конституцияга биноан, муддатидан илгари Президент сайло-вини ўтказиш мақсадга мувофиқ.



Эвальд КЕНИГ, "Berliner Korrespondentenbüro — International Media Projects" медиа агентлиги ижрочи директори (Германия):

— Ўзбекистонда бир неча бор бўлган мута-хассис сифатида ишонч билан айта оламани, мамлакат Президентининг 8 майдаги нутқи

жуда муҳим бўлиб, қўллаб-қувватлаш фикрла-ри ўз ичига олди. Давлатингиз раҳбарининг жамият, жумладан, ёш авлод эҳтиёжларини қондириш мақсадида конституциявий тизим-га жиддий ўзгаришлар киритиш борасидаги қатъияти ва сиёсий иродаси менда катта таас-сурут қолдирди.

Иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни тако-миллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ти-зимидаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратилди. Президент тадбиркорликни ривож-лантириш, фуқароларнинг ҳаёт сифатини ях-шилаш учун шарт-шариоит яратиш зарурлигига ишонч билдирди. Бу мамлакат иқтисодий бар-қарорлиги ва фаровонлигини мустаҳкамлаш-да муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Президентнинг бошқа давлатлар ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлиларини фаол ишлаш, халқро ва минтақавий тадбирларда иштирок этиши мени ҳайратда қолдирди. Бу Ўзбекистоннинг халқро майдонда ишлаш, бошқа давлатлар билан алоқаларини мустаҳ-камлашга тайёрлиги тасдиғидир.

"Дунё" АА

ТАНЛОВ



ХОЛИС, ШАФФОФ ВА ҲАҚҚОНИЙ

"Олтин қалам" Миллий мукофоти ғолиблари шу муносабат билан қўшмада сараланади

Ҳолмурод САЛИМОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.в.б, "Олтин қалам" Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси



Мамлакатимизда матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар доирасида оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўққинлик қилиш ёки аравалиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши каби янги модда ва нормалар Мустақамланган янгиликлар Конституциямиз жорий йил 1 майдан қўчга кирди.

рағбатлантирувчи номинацияси асосий мукофотлар қаторига қўшилган. "Олтин қалам" ташкил этилган дастлабки йилларда унинг ғолиб ва совриндорларига бериладиган мукофот — пул ва совғалар ҳомилар ҳисобидан қолланган бўлса, 2009 йилдан 2018 йилгача танловни Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маб-

Таъкидлаш жоиз, шу пайтгача "Олтин қалам"да публицистик жанрда китоб ёзган журналистлар, теле ва радио бошловчилар иштирок этмаган. Эндиликда танловга "Публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун", "Халқ эътирофи сазовор бўлган теле ва радио бошловчи" каби янги номинациялар киритилиши журналистиканинг барча йўналишида ижод қилаётган ОАВ вакиллари қамраб олишга имкон беради.

Танлов низоми тақлиф ва тавсиялар асосида бутунлай янгидан ишлаб чиқилган. Унда ҳақамлар ҳайъати аъзолари ғолибларни аниқлашда иштирокчилар материалларини қанча одам ўқигани, эшитгани ва томоша қилгани ҳамда ижодий ишларга аҳоли вакиллари, соҳа етакчилари ва мутахассислар қандай муносабат билдирганига ҳам алоҳида эътибор қаратиши белгиланган.

Шунингдек, ижодий ишлари танловга тақдим этилмаган ОАВ вакилларининг жамоатчилик эътиборига тушган, қизгин муҳокамалар ва алоҳида эътирофга сазовор бўлган материаллари ҳам кўриб чиқиши мумкин.

Тақдирлаш маросими бу йил "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида ташкил этилмақда. Жорий йилда ҳам "Олтин қалам"нинг ўтказилиши ҳақида маҳаллий ОАВ, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда "Дунё" ахборот агентлиги веб-сайти ва телеграм канали, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари орқали чет давлатлардаги ОАВда ўзбек, рус, инглиз, немис, хитой, француз, испан, араб, тожик, қозоқ ва бошқа тилларда ҳам тарғибот материаллари эълон қилинди.

"Олтин қалам" XVII Миллий мукофоти учун халқаро танловда 25 давлатдан 50 дан зиёд журналист қатнашаётгани, улар орасида Европа ва Осие қитъасидан шу соҳа вакиллари борлиги ҳам бунга тасдиқлайди.

Танловнинг ҳар бир номинацияси ғолиблиги учун рақобат катта, муносиб рақобат бўлиши мумкин. Лекин бу унинг асосий шартлари — Урдани беэътибор ишларида фаол қатнашган. Уларнинг чининпазлиги ва қўшмадалик санъати Қўқон хони томонидан юқори баҳоланган.

Этнографларнинг таъкидлашича, XIX ва XX аср бошларида Риштонда 80 та устaxonа фаолият юритган. 1918 йилда "Чиннигарон" деб ном олган биринчи кулоллик артели ташкил этилган. 1927 йилда бу артельга "Янги ҳаёт" номи берилган. 1960 йилда артель Риштон сопол ишлаб чиқариш заводи таркибига киритилган.

Риштон кулоллари маҳаллий хомашёдан сопол идиш ياسаган ва уларни мовий ҳамда зангори ранглар билан безаган. XIX аср охирига келиб, Риштон Урта Осиеда сирланган сопол идишлар ишлаб чиқаруви йирик марказлардан бирига айланди. 1990 йилда Риштон сопол идишлари Парижда ўтказилган халқаро кўргазмада намойиш этилди.

Ўзини "Олтин қалам-2023" танлови иштирокчиларининг ижодий ишларини соҳа бўйича катта таърифа ва билгимга эга, адолатли устозлардан таркиб топган нуфузли ҳақамлар ҳайъати аъзолари кўриб чиқмоқда. Зеро, бу борадаги барча саъй-ҳаракатлар мазкур танлов ҳолис, шаффоф ва ҳаққоний ўтиши таъминланишига қаратилган.

АНЖУМАН

Жорий йил 12-24 май кунлари уста кулоллар юрти — Риштонда Туркий халқлар хунармандчилиги форуми ва "Кулоллар сайли" миллий кулоллик маҳсулотлари кўргазма-савдоси бўлиб ўтади.

Оддий туПРОҚДАН МЎЪЖИЗА яратётган риштонлик кулоллар меҳнати асрлар давомида дунёни ром этиб келади. Маҳсулотлар ўзига хос кўриниши, табиий ва қалампир нухали тилсимий нақшларга бойлиги билан ажралиб туради. Кейинги йилларда кулоллик анъаналарини ривожлантириш, уста кулоллар учун муносиб меҳнат шaroити яратиш, ички ва ташқи бозорда хариддоригр маҳсулот турларини кўпайтиришга эътибор ошди.



ТУПРОҚДАН

ЯРАЛГАН МЎЪЖИЗА

Риштон дунё кулолларини чорламоқда

Мозийга назар

Риштон Буюк ипак йўлининг Фарғона водийсидан ўтувчи қисмидаги қадим кентлардан. Шаҳар номи қадимий сўғдачадаги "раш" ("руш", "руши"), яъни "қизил ер" сўзидан пайдо бўлган. Зеро, бу ернинг туПРОғи ранги қизил эди. Урта асрларда Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Яқин Шарқ карвон йўллари чорраҳасида жойлашган Риштон тез сўраётларда ривожланиб, Буюк ипак йўлида асосий тўхташ жойи ҳамда савдо-сотик марказига айланган.

XVIII асрдан шаҳар қайта тикланган ва XIX аср ўрталарида ҳудуд сирланган идишлар ишлаб чиқариш бўйича йирик марказ мақомини қайта тиклаган. Урта асрларда йўқолиб кетган ганччинни ишлаб чиқариш техникасини XVIII асрда қайта тиклаган ақа-ука Абдужалол (уста Абдужапал, уста Жалил) ва Абдуҷамил (уста Абдуҷамил, уста Кури) ўз ишнинг моҳир усталари бўлган.

Кулоллар чинни пишириш усулини Кошғар ва Эрондан ўзлаштирган. Уларнинг шоғирди — етук чиннипаз Абдулла



дунё кулоллари билан таърифа аламиниш имкониятини беради.

12 ёшдан сермашаққат хунар сирасорларини ўрганишга киришган Алишер Назиров ҳам машҳур кулоллардан. Риштон кулолчилиги боғлиқ қўллаб-қувватлаш мақсадлари билан ижоди билан боғлиқ. Уста яратган лаган, шоқоса, кўзача, хум, мевадон, қанддон каби сопол буюмлардаги услуб ва ранглари жозибасини кўриб, унинг ўз касбининг моҳир устаси эканига амин бўласиз.

1998 йили Риштонда ёш кулол-усталар тайёрлаш мактабини очди ва ҳозирги кунгача маҳоратли кулоллар тайёрлашга ҳисса қўшиб келмоқда.

Кулоллик деса, кўпчилик уй-ўзғор буюмлари, идиш-товоқни тушунади. Бу хато. Кулоллик мўъжизавий машғулот, — дейди уста кулол. — Шоғирд бўлиб юрган кезларим лойни қўлга олсам, устозим "Қани, аввал лойга салом беринг", деб туПРОҚ-лойга ҳурмат билан муносабатда бўлишни, ҳалол-пок бўлиб иш бошлашни талаб қиларди.

Тараддуд амаллари

Туркий халқлар хунармандчилиги форуми ва "Кулоллар сайли" миллий кулоллик маҳсулотлари кўргазма-савдосига пухта ҳозирлик қирилди. Санъат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган янги устaxonа, маҳаллаларда, хонадонларда зарур шaroитлар яратилди, замонавий хизмат кўрсатиш тармоқлари ишга туширилди.

Тадбиркор Испомжон Орифзонов ташаббус билан "Чинор плюс — 2020" туристик мажмуаси кўриб битказилди. Лойиха қиймати 50 миллирдан сўмини ташкил этиди. Мажмуада меҳмонхона, ошхона, ҳаммом, ёғи ва кишки ҳовуз ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш шoxобчалари бунёд этилди. Унга ёндош ҳудудда кулоллик маркази қад кўтармоқда.

Буғунги кунда туманимиздаги 80 мингдан ортиқ аҳоли кулоллик билан шуғулланади, — дейди туман ҳокими Суҳпонжон Солиев. — Халқаро форум ва кулоллар сайли Риштон кулоллик мактаби тарихида янги саҳифалар очди. Унда Марказий Осие давлатлари, Туркия, Озарбайжон, Россиядан вакиллар иштирок этади. Шунингдек, мамлакатимиздаги кулоллик мактаблари усталари ҳам тақлиф этилган. Ассосан сайл шаклида бўлиб ўтадиган анжуманда хорижий ва Ўзбекистон кулоллари ўз маҳсулотларини намойиш этади.

Кулоллик асарлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Риштон кулоллик фестивали алоҳида ҳозирлик кўряпмиз, — дейди Равшанжон Тоҳиджидов. — Меҳмонлар маҳсулот тайёрлаш жараёни билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Ҳар бир маҳсулотни яратиш кулолнинг алоҳида меҳнат ва сабр талаб этади. Оддий коса тайёр қолга келгунча ўн икки бор кўлдан-кўлга ўтади. Шу боис, бу хунар туфайли яратилган буюмлар безакир ва бетакрор санъат асари сифатида қадрланади.

Маҳсулотларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топиб бормоқда. Аини кунларда Иоррва, Россия, Италия, Жанубий Коррва ва яқин қўшни мамлакатларга маҳсулот экспорт қилияпти. Булиб ўтадиган кулоллар сайли халқаро алоқаларимизни янада кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш,

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



мудири Шарофиддин Тулаганов (халқаро мавзудаги эшиттиришлар туркуми учун), "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги сийёсий шарҳловчиси Иброҳим Норматов (долзарб мавзудаги таҳлилий мақолалар туркуми учун) "Олтин қалам"нинг илк ғолибларига айланган.

Танловнинг ўнта рағбатлантирувчи номинацияси бўйича эса Абдумулт Абдуллаев, Чори Латипов, Ҳамид Қаҳрамонов, Иьдар Мударисов, Фулом Мирзаев, Санъат Маҳмудова, Ҳакимжон Раҳмонов, Маҳмуджон Эшонқулов, Аҳмад Ал Зубайид ҳамда "ТВ Марказ" жамоаси муқофотланган.

Бош миллий мукофот 2007 йил жорий этилган ва асосий номинациялар қаторига интернет-журналистика йўналиши ҳам қўшилган. Ҳар бир йўналиш бўйича 1, 2 ва 3-ўринлар жорий этилган. Танлов йиллар давомида такомиллаштирилди. 2021 йилдан бошлаб эса "Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун"

Кейинги йилларда 1-ўрин соҳибларига Ўзбекистонда белгиланган базавий ҳисоблашининг 160, 2-ўринга 140, 3-ўринга 120 баробари миқдорда пул мукофоти берилган бўлса, жорий йилдан 1-ўринга 200, 2-ўринга 175, 3-ўринга 150 баробари миқдорда пул мукофоти ажратиладиган бўлди. Шунингдек, рағбатлантирувчи номинация ғолибларига бериладиган пул миқдори базавий ҳисоблашининг 50 баробаридан 100 баробарига оширилди.

2022 йили танлов мукофот жамғармаси 769 миллион 500 минг сўм этиб белгиланган бўлса, жорий йилда қарийб 1,5 миллиард сўмини ташкил этмоқда. Жорий йилдан танловнинг янги низом асосида янги формада ўтказилаётгани унга бўлган қизиқишни янада ошириб юборди.

Бу йил танловимизда аини кунгача 526 нафар журналист, жумладан, 28 та ОАВ жамоаси иштирок этмоқда. Ижодий ишлар 2023 йил 13 май 15:00 гача қабул қилинишни назарда тутсақ, танлов иштирокчилари сони рекорди янгиланиши ойдинлашади.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ 105 ЁШДА

АСР БИЛАН БЎЙЛАШГАН ДАРГОҲ



Ахмаджон МЕЛИБОВЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Қизиқувчан талабалар мендан “Журналистикага қизиқишингизга нима сабаб бўлган?” деб сўрайди. “Деворий газета”, деб жавоб бераман. Мақтаба адабиёт ўқитувчилари ҳар ҳафта бирор воқеа-ҳодиса тафсилоти ҳақида мунтазам баён ёздирар, яхши чиққанлари синфимизнинг бир қулочлик деворий газетасида эълон қилинарди. Бир-иккита хабарим аввал шу газетода, сўнг туман газетасида босилгач, бўлажак касбим аниқ бўлган.

1969 йили ўша пайтлари Тошкент давлат университети деб аталадиган, шу кунларда ўзининг 105 йиллик тўйини нишонлаётган Миллий университетнинг журналистика факультетида турли газеталарда эълон қилинган элликдан ортиқ мақолаларим билан бирга ҳужжат топширдим. Тўртта имтиҳондан ўтиб, талаба бўлдим. Тўғон Эрнарзоров, Ғайбулла Саломов, Очил Тоғаев, Сайди Умиров, Ботирхон Акрамов, Тоҳир Пидбаев, Сайёра Низомиддинова, Ольга Аляксинская, Воҳид Абдуллаев, Бойбўта Дўстқороев каби талабачан ўқитувчилардан сабоқ олдим. У пайтлари бир соат дарс қолдириш ёки бир кун ўқишга келмаслик жиддий воқеа эди. Дарсга кетма-кет икки марта келмаган талабанинг уйдан хабар олинарди.

Маҳоратли устозларнинг маърузаларини жон-дилимим билан тинглардим. Мухим фикрларни дафтаримизга қайд қилиб қўйиб қоида эди. Ботирхон Акрамов бизни Ҳазрат Алишер Навоий оламига олиб қирди, Ғайбулла домла бадий таржима сирларини ўргатди, Бойбўта Дўстқороев Мирзачўлда пахта тераётганимизда, оқшомлари бошқалар эшитиб қолмаслиги учун паст овозда Абдулхамид Чўлпон шеърларидан ўқиб, ҳайратимизни оширди. Чет эл адабиёти фанидан баҳо олиш учун Оноре де Бальзак, Эмиль Золя, Эрнест Хемингуэй, Марк Твен, Теодор Драйзер каби даҳо ёзувчиларнинг қалин-қалин романларини ўқишимизга, мазмунини

айтиб беришимизга тўғри келган. Ўқиш жараёни гоёат қизиқарли, сирли эди. Аммо...

Ҳар йили янги ўқув йили бошланиб, дарслар энди-энди қизиётган, танланган касбимиз ҳақидаги тасаввуримиз тиниқлашаётганда юқоридан буйруқ келиб, турнақатор автобусларда Мирзачўлга пахта теримига отланардик. Беш йил — ўқиш тугагунча шундай бўлди. У пайтлари пахта сиёсати ўқиш сиёсатидан устун эди. 1970 йили пахта даласида 22 декабрда қолиб кетдик. Устозлар шундай шароитда ҳам бизга сабоқ беришни тўхтатмас, хабар, мақола ёзишга, қаламимизни чархлагаша ундарди. Газеталардан бирида, масалан, ўша йиллари машҳур бўлган “Тошкент оқшом”да кичик бир ахбороти чиққан талаба бир-икки кун қаҳрамонга айланарди.

Талабалик йилларимни эслар эканман, кўз ўнгимда жуда кўп воқеалар жонланади. КПСС тарихи, диалектика, тарихий материализм, сиёсий иқтисод каби сиёсийлаштирилган фанлар дарс жадвалининг асосини ташкил қиларди. Матбуот халқнинг фикри ёки минбари эмас, Хрущев таъбири билан айтганда, “партиянинг нишонни беҳато уруви қуроли” эди. Газетода эълон қилинган мақола, у тўғри бўладими, қасддан

“ **БУГУН БУ ЕРДА 33 МИНГДАН ОРТИҚ ТАЛАБА ТАҲСИЛ ОЛМОҚДА. УНИВЕРСИТЕТНИНГ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА КЕНГАЙИБ БОРАЁТИР. ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИ БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛАШ, ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРИ РАҒБАТЛАНТИРИШ, КАСБ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ, ДУНЁДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ЯНГИ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК УСУЛЛАР, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК ВОСИТАЛАРДАН УНУМЛИ ФойДАЛАНИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА.**

тўқилган айбномани, бундан қатъи назар, ҳақиқатга менгзаларди. Газеталарга одамларнинг тақдирини ҳал қилиш, улар устидан ҳукми ўқиш ҳуқуқи берилганди. Ута ҳиссиёт билан ёзилган фельетонлар суд ҳукмига ҳам ўхшаб кетарди. Газетода фельетон чикса, “Фалон газета фалончини уриб чиқибди, фалончи урилибди, тамом бўлибди”, деган гап чиқарди.

Бугун бутунлай бошқача манзара. Замон ўзгарди, янги давр келди. Узоқ йиллар бўлажак журналистларга бошқача маънавият таълим олишга қараганда, бу даврда таълим олиш таълим олиш таълим олиш шаклида намойиш бўлди. Журналистика факультетида ўқув жараёни энди ижодкорлик, эркин фикр руҳи билан ўйғун. Талабаларга фанларни танлаш, таҳририятлар билан ҳамкорлик қилиш, амалиёт ўташ, танловларда қатнашиш, ўқиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ тақлифлар киритиш ҳуқуқи берилган. Яна бошқа имкониятлар ҳам мавжуд.

Талабалар орасида биринчи китоблари чоп этилган, давлатимиз раҳбари стипендиёсига, Зулфия номидаги Давлат муқофоти, Ёшлар иттифоқи совринларига сазовор бўлганлар оз эмас. Ёшларга миллий журналистика тарихи, жадидлар матбуоти, собиқ тузумнинг тақлиқлари билан бирга, уларни устоз мақомида бағрига олган кадрдон дорилфунуннинг бир асрлик тарихи,



мехр-муҳаббатларини умрларининг охиригача сақлаб келди. Аллома шоир Ғафур Ғулломнинг Бешёғочдаги ҳовлисидаги дилбар суҳбатлар, устоз Айний домла пиширган нишолдагача хотираларга мангу нақшланди.

Шундай экан, туркий дунё қайта бирлашаётган бугунги кунда бу ноёб тажрибадан фойдаланиб, ўша тарихий, дилни дилга, юракни юракка ошно қилган Урта Осиё давлат университетини янги, янада қўламли мақомада тиклаш ҳақида ўйлаб кўриш вақти келди, деган фикрдамиз. Зеро, халқро “Туркой” тақлифига аъзо бўлган эканмиз, тил, адабиёт, маданият ва маърифат соҳаларида бир-биримизга янада яқин, дилдош ва фикрдош бўлишни замон-

юқсалиш йиллари, яқин-келгусига доир улуғ режалари ҳақида ҳам сўзлаб берамиз.

Университетга турли йилларда илм-фан соҳасида дунё эътироф этган ютуқларга эришган Саъди Сирожи-



эътироф этилган янги илмий-педагогик усуллар, замонавий технологик воситалардан унумли фойдаланиш борасида самарали ишлар қилинмоқда. Янги ўқув бинолари, талабалар учун ётоқхона қуриш режалаштирилаётди. Журналистика факультетида Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодини ўрганишга доир доимий экспозиция, филология факультетида Ўзбекистоннинг ижодкор қаҳрамонларига бағишланган кўргазма зали ишлаб турибди. Ўқинишнинг юқори босқичига ўтган, босма нашрлар, радио ва телевидениеда самарали ҳамкорлик қилаётган талабаларга маълум имтиёз бериш йўлга қўйилмоқда.

Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига биноан, индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда танқидий ва ижодий фикрлаш, таҳлил қилиш, қисқаслаш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув режалари ишлаб чиқиш, мустакил таълим соатлари улушини ошириш, ўқув жараёнига халқро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологияларни кенг жорий қилиш, талабалар билимиде баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, бу жараённинг холислигини таъминлаш, жумладан, баҳолашнинг талабалар билан бевосита алоқасиз шакллари ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Фанларни ўзлаштиришда талабалар орасида соғлом рақобатни ривожлантириш механизми ишлаб чиқилаётди.

Инкор этиб бўлмайдиган бир ҳақиқат бор: юртимиздаги чиққан, илмий кашфиёт ва амалий натижалари фан оламида юлдуз янглиғ ҳамон чақнаб турган жамик алломалар бошлангич таълимни оилада ота-онадан, сўнг мадрасаларда устоз-мураббийлардан олган. Алишер Навоий бобомизга, Ибн Синога, Беруний, Бухорий, Замашарийга фидойи устозлар сабоқ берган. Демаки, қадим мадрасаларнинг вужудимизга “эски, яроқсиз” деб сингдирилган, қаттон тузумнинг зугуми билан унут бўлиб кетган таълим услубида эътиборга молик жиҳатлар бўлганки, ёш талабалар идрок ва тафаккурда мислсиз натижаларга эришган, илмий нигоҳлари ой-йолдузларгача етиб борган.

Роинлариси шундаки, дунё Моавруннахарда кенг йўлга қўйилган мадраса илми усулларини чуқур ўргангани ва ундан ҳамон фойдаланиб келаятгани ҳолда, биз бу ноёб мероснинг зוגи қора чаплаб юраверганмиз. Фақат шу эмас, кейин-кейин миллий таълимда тўғри талаффуз, равон нутқ, ифодали ўқиш, фикрни қисқа ва эркин баён қилиш, хотирани муштаҳамлашга доир халқона педагогик усуллар ҳам бирин-кетин барҳам топди. Дарсларнинг савияси, ўқитувчининг обрў-эътибори кескин тушиб кетди.

Президент Шавкат Мирзиёев олий таълимни тубдан яхшилаш, таълим савиясини бугунги илғор дунёвий таълимлар даражасига етказиш, аллома аждодларимиздан қолган илмий-маънавий мерос асосида янгилаш

вазифасини тизим олдига муҳим ва-зифа сифатида қўйди. Демак, бу ишга жиддий киришмоқ зарур.

Шу ўринда қадим мадрасаларда қандай фанлар ўқитилган, деган савол туғилиши табиий. Бу мавзуда анча йиллардан бери жиддий илмий кузатув-лар олиб бораётган олима Маҳмамой Турсунованинг маълумотларига кўра, мадрасаларда таҳлил, шарҳ, тавсиф, мантиқ, мунозара юрийтиш, қироат ва талаффуз маҳорати, сўз ва ибораларни ўринли қўллаш, кам сўз билан кенг маънони аниқ ва таъсирчан ифодалаш, ёзув саводхонлиги, ҳозиржавоблик, зуққолик, нақлий масалани ақлий идрок этиш, далиллаш, исбот қилиш билан бевосита боғлиқ фанлар ўқитилган.

Кўришиб турибдики, бу фанларни бугун ўрта мактабларнинг юқори синфларида, янгидан ташкил этилган ижод мактабларида ва энг муҳими, олий таълимнинг тегишли йўналишларида, масалан, Миллий университетнинг журналистика ва филология факультетларида асосий фан, танлов предметлари сифатида ўқитиш зарур деб ҳисоблаймиз. Гап шундаки, бугун адабиётда, матбуотда, депутатларимиз, вазирилар, ўрта ва куйи бўғин раҳбарлари, тарғиботчи воизу суҳандонларнинг нутқларида, турли даражадаги ҳужжат ва ёзишмаларда айна шу фанлар орқали баргараф этиш мумкин бўлган нуқсонлар аниқ-равшан кўри-ниб турибди. Яширишдан но ҳожат: тилимиз дағаллашиб бормоқда, сўз ва ибораларни нотўғри, ўринсиз қўллаш, фикрни чўзгандан-чўзиб айтиш, ургу-ни хато қўйиш, кам сўз ишлатиб, кенг маънони ифодалай олмасликка одат-лашиб бормаслик.

Баҳс маданиятимиз оқсаганича турибди. Далиллаш, исботлаш маҳоратимиз сустр. Бу ҳам етмаганидек, халқ таълимининг собиқ мутасаддиларидан бири она тили грамматиқасини чуқур ўқитиш зарур эмас, бола шунчаки гапириб ва ёзишни ўрганса бўлди, деган масъу-لياتси тақлифни айтиди. Телереклама ёшларни ҳар қандай хоржиқ тилини икки-уч ой ичида, маъносини англаб эмас, шунчаки ёдлаб ўрганиш мумкинлиги ишонтирмоқда. Бизнинг тил соҳасидаги энг катта камчилигимиз — грамматика-ни яхши билмаслигимиз-ку, ахир. Ўзбек тилини ўрганаётган хоржиқлар “Бизга сўзларни ёдлатманг, грамматика қон-даларини ўргатинг”, дейди. Нахоти бундан беҳабар бўлсак?!

Дунёнинг дунёлиги шундаки, гарчи у омонат ва ўзарувчан бўлса-да (Азизиддин Насафий), мунтазам ҳаракат ва айлашидан тўхтамайди. Тарих ҳам шундай — воқеа-ҳодисалар қандай содир этилган бўлса, шундай қолади, аммо у ҳам дунё каби айланади, гоҳо моҳиятидан узоклашиб ва... яна аслига қайтади. Бугун ёшларимиз хоржиқ мамлакатларнинг нуфузли илм даргоҳ-ларида тахсил олмақда. Илмга чанқоқ-ликда, истеъдодда фарғиб тенгдош-ларидан кам эмаслиқларини намойиш этмоқда. Бар вақтлар бундай ёшлар Ғарбдан Шарққа қараб ирилган, мар-ҳаматли дёбримизда қамолга етган эди. Тошкент, Самарқанд, Бухородаги илм масканларида таълим олиш, Ўз-бекистон мисолида доинишанд Шарқ тамаддунидан баҳраманд бўлиш фар-ғиллар учун яна орзуга айлашидан умидвормиз. Бунинг учун бугун мамла-катимизнинг қўллаб етакчи университ-етларида, жумладан, Ўзбекистон Мил-лий университетида барча шароитлар мавжуд.

Мамлакатимиз илм-фаннинг кар-вонбосисни ташкил этилганининг 105 йиллиги билан шу қўтлуғ даргоҳда сидқидилдан меҳнат қилаётган барча устозларни, собиқ талабаларни, бугун зўр иштиёқ, ишонч ва умид билан за-монавий аудиторияларда сабоқ олаёт-ган ёшларни самимий табриқлаймиз. Ишончим комилки, талабалик даври жуда кўплар учун жушжин ёшлиқнинг сурури, ғурури, орзу-ҳавасга тўла тақорланмас йиллари бўлиб қолган. Ҳаммамиз шу ердан катта ҳаётга, ижод оламига учирма бўлганмиз. Танлаган касбимизда қандай ютуқларга эришган, эл-юртда ҳурмат-эътибор қозониб, ор-тимизда келаятган ёшларга устоз бў-лишдек шарафли мақомага эга бўлган бўлсак, бунинг учун, энг аввало, бизга шу даргоҳда сабоқ берган муҳтарам домлаларимиздан кечисиз миннатдор-миз, уларнинг хотираси олдига ҳам-иша таъзимдамиз.

Миллий университет ўзининг иккин-чи юз йиллигига халқро нуфузи ошган, имкониятлари кенгайган, илмий сало-ҳияти хавасли даражага кўтарилган ҳолда қадим қўйди. Бу йил янада ёрғу ва қўтли бўлсин!



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим Дониёров

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546. 11117 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй